МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 128 (7268). ● 4 июль, 1980 йил ◆ ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ 1980 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд этадиларки, республика партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхозлари, совхозлари ва корхоналари беш йилликнинг якунловчи йилида 5 миллион 850 минг тонна, шу жумладан 355 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш ва давлатга сотишни таъминлаш ҳамда ҳосилнинг 3 миллион 850 минг тоннасини машинада териш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини ўтказмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль, 1979 йил ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига доир нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг жуда катта ёрдами ва доимий эътибори туфайли, КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, экиш-тикиш, чигитни ундириб олиш борасида

(Давоми 2-бетда)

КРЕМЛДА СОВЕТ-ВЬЕТНАМ УЧРАШУВИ

3 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг, ВКП Марказий Комитетининг секретари, ВСР ҳукумати бош министрининг ўринбосари, ВСР Госплани Раиси Нгуен Лам билан дўстона учрашдилар.

Учрашув қатнашчилари ҳар иккала мамлакатнинг ички ривожланиши тўғрисида ҳамда КПСС билан ВКП, совет халқи билан Вьетнам халқи ҳал этиш учун иш олиб бораётган энг муҳим вазифалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бериб, Совет-Вьетнам ҳамкорлигининг ҳозирги масалаларига ҳам, шунингдек келгусидаги масалаларга ҳам катта эътибор бердилар.

Совет ва Вьетнам раҳбарлари партия, давлат ва жамоат йўли билан қилинаётган мунтазам алоқаларга юксак баҳо бердилар ва шу алоқаларни бундан буён ҳам кенгайтиришга тайёр эканликларини таъкидладилар. Томонлар шуни қайд этдиларки, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил ноябрида имзоланган шартнома КПСС билан ВКП, СССР билан ВСР ўртасида қардошларча бирдамлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирди. Совет-Вьетнам муносабатлари ҳамма соҳаларда муттасил чуқурлашиб бормоқда, бу муносабатларнинг самарадорлиги ошмоқда. Келгуси беш йиллик халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш чоғида иккала мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини кучайтиришнинг қўшимча имкониятлари аниқланмоқда. ВСР жанубидаги соҳил бўйи сувларида геология разведкасини ўтказиш ҳамда нефть ва газ қазиб чиқаришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Москвада тузилган битимга СССР билан ВСР муҳим аҳамият бермоқдалар.

Совет ва Вьетнам раҳбарлари Совет-Вьетнам дўстлигининг қудратли бунёдкорлик омили сифатидаги роли келгуси йилларда ҳам янада кўпроқ ортади, деб ишонч билдирдилар.

Учрашув вақтида халқаро майдондаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди. Л. И. Брежнев ҳозирги вақтда кескинлик юмшатилишини сақлаб қолиш ғоят муҳим масала эканлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатлар билан бирга бу соҳада актив ишлашни давом эттирмоқда. Бу нарса дунёнинг баъзи бир районларидаги мураккаб вазиятларга ҳам таллуқлидир. Ана шу мураккаб вазиятлар сиёсий воситалар билан бартараф этилиши мумкин ва лозим.

ВСР раҳбарлари Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг шу йил май ойида бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган декларацияда баён этилган хулосалар ва қоидаларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Улар Вьетнам Социалистик Республикаси Совет Иттифоқи билан бошқа қардош социализм мамлакатларининг тинчликсевар ташаббусларини қатъиян қўллаб-қувватлашни таъкидладилар.

Суҳбат қатнашчилари жанубий-шарқий Осиёдаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар шуни қайд этдиларки, Пекин Қўшма Штатларнинг мадади билан Ҳинди-Хитой районидаги вазиятни беқарор қилишга интилмоқда, шу мақсадда Хитой-Вьетнам чегарасида ҳарбий намойишларни уюштирмоқда, полпотчи шайкалар қолдиқларининг Кампучия Халқ Республикасига қарши игвогарлик ҳуружларини рағбатлантирмоқда. АСЕАНга аъзо бўлган мамлакатларга ошкора тазъйиқ ўтказмоқда. Жумладан Таиланд, Кампучия чегарасидаги аҳволнинг мураккаблашганлиги ҳам Пекиннинг гегемончилик сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Шу регионда тинчлик ва барқарорлик муҳитининг қарор топиши жанубий-шарқий Осиё мамлакатларининг ҳаётий манфаатларига мос келган бўлур эди. Совет Иттифоқи ВСР, Лаос, Камбоджанинг, шунингдек жанубий-шарқий Осиёдаги бошқа давлатларнинг ана шу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлари ва ташаббусларини тушуниб уларни маъқуллайди.

Суҳбат қатнашчилари улар бундан буён ҳам КПСС билан ВКП, СССР билан ВСР ўртасидаги ҳамкорликни совет ва Вьетнам халқларининг манфаатларини, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик, озодлик ҳамда миллий мустақиллик иши манфаатларини кўзлаб кенгайтиражакларини ва чуқурлаштиражакларини таъкидладилар.

Совет ва Вьетнам раҳбарларининг учрашуви қардошларча самимий вазиятда ўтди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларининг тўла бирлигини тасдиқлади.

(ТАСС).

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ— МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

САРАТОН. Ез ойининг энг иссиқ жазирама кунлари. Деҳқонлар, айниқса, пахтакорлар ҳаётида янада масъулиятли ҳал қилувчи палла бу. Чилла — ҳар дами тилла, дейди халқимиз.

Улуғ мақсадларни дилларига жо қилиб олган қишлоқ хўжалигимизнинг азамат меҳнаткашлари ўз бурчларига садоқат билан муносабатда бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъмин этадиган даражада ҳосил етиштириш учун бор тажрибаларн, маҳоратларини ишга солмоқдалар. Бу йилги шароитда пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштириш асосий вазифадир. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Эндиги вазифа ана шу имкониятлардан тўла-тўкис ва тадбиркорлик билан фойдаланишда қолди.

Бўка, Ғалаба, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ районларининг азамат, марду-майдон, фидокор пахтакорларига балли. Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли, Ғалаба районидаги «Ленинград», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Коммунистик районидаги «Правда», Бекобод районидаги Ленин номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бошқа кўплаб хўжаликларда ғўза парваришн ғоятда намунали ва сифатли ташкил этилгандир. Бу хўжаликларда ҳар бир агротехник тадбир ғўзанинг ҳолати, тупроқ шароитига қараб амалга ошириляпти. Культивация ва суғориш бир-бирлари билан боғлаб ўтказилаётгр. Сувчи ва механизатор ҳамкорлиги, масъулиятли чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишлари — ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб етишиши, мўл ҳосил тўпланишини таъмин этаётир.

Лекин ҳамма ерда ҳам ғўза парваришида илғорлар тажрибаси кенг қўлланиляпти, область пахтакорлар Совети тавсиялари асосида иш олиб бориляпти, деб бўлмайди. Пискент районидаги Охунбобоев номли, Бекобод районидаги «Коммунизм», Коммунистик районидаги Карл Маркс номли, Чиноз районидаги Навоий номли колхозлар кабн хўжаликларда ўсишдан анча орқада қолган ғўзалар бор бўлишига қарамасдан қўшимча ишлов бериш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмаётир. Оқибатда суғоришда пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Айрим майдонларни ўт босиб кетган.

Ҳали ҳам вақт бор. Камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиб, ғўза парваришини юксак савияда ташкил этайлик!

Деҳқончилик маданиятини тинмай юксалтириб, резервлардан, илғор иш усулларидан усталик билан фойдаланиш белгиланган ялпи ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, ҳосилдорликни ошириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг бош омилидир. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ишнинг сифатли бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш керак. Мутахассисларнинг масъулиятини ошириш лозим. Агрономлар, энтимологлар — ҳосил тақдири учун жавобгар кишилар. Уларнинг ўрни далада бўлиши зарур. Ўз навбатида хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига диққат билан қулоқ солишлари, фойдали таклиф ва ташаббусларини ўрганиб, ишлаб чиқаришга жорий этишда амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Вақтдан унумли фойдаланиш, кўрсатилган йўл-йўриқлар, берилган тавсиялар, маслаҳатлар асосида иш олиб борш — муваффақиятни таъмин этувчи асосий омиллардан эканлигини унутмаслик керак. Бу жиҳатдан бўкаликлар тажрибаси ибратлидир.

Бу районда ҳар бир колхоз, ҳар бир участка, бригада, хўжалик раҳбарлари, партия, совет активларига бириктиб қўйилган. Улар эрта тонгдан дала кезадилар. Пайкалма-пайкал юриб, ғўзанинг ривожи, ишнинг боришини назорат қиладилар. Бригадирлар, механизаторлар, сувчилар билан мулоқотда бўлиб, ютуқларни қайд қилиш билан бирга йўл қўйилган нуқсонларнинг келиб чиқиш сабабларини ўша ернинг ўзида аниқлаб, таҳлил этадилар ва ишни яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида фикрлашадилар. Дала шийпонида пахтакорлар иштирокида бу тадбирларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни эшитадилар.

Яхши тажрибадан, илғор усуллардан фойдаланиш—умумий юксалишга олиб келади. Буни ҳар бир пахтакор, ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши унутмаслиги керак.

Ҳосил тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда меҳнат аҳлига намунали маданий—маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг дала шийпонларида яхши ҳордиқ чиқариб, дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бериш хўжалик раҳбарлари, партия, совет ташкилотларининг жанговар бурчидир.

Областимиз хўжалиги кўп тармоқли. Сабзавоткорлар, лубкорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, чорвадорлар олдида ҳам ғоят масъулиятли ва шарафли вазифалар турибди. Бугун бўладиган қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида бу соҳадаги вазифаларни ҳам муваффақиятли бажариш, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи зарбдор йили учун белгиланган марраларни барвақт эгаллаш режалари ҳақида фикрлашиб олишади.

Областимиз меҳнаткашлари партия режаларини муваффақиятли амалга ошириб, ҳеч шубҳасиз, элга, партияга берган ваъдаларини шараф билан бажарадилар.

● Пахтазорларда ҳосил тақдири ҳал этилаётган ҳозирги кунларда агротехник ишловни янада кучайтириб, ғўзаларни саратон сувига қондирайлик, зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайишига йўл қўймайлик.

● ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ ВА КОМПЛЕКСЛАРИДА СУТ ВА ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БИЛАН БИР ВАҚТДА ОЗУҚА ЭКИНЛАРИГА ИШЛОС БЕРИШНИ КУЧАЙТИРИБ, ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК, ЧОРВА ҚИШЛОВИГА МЎЛ ВА СИФАТЛИ ОЗУҚА ЖАМҒАРАЙЛИК.

● САБЗАВОТ ПАЙКАЛЛАРИДА ПИШИБ ЕТИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ПЕШМАПЕШ ТЕРИБ ОЛИБ, ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА, КОЛХОЗ БОЗОРЛАРИДАГИ САБЗАВОТ ДУКОНЛАРИГА САРХИЛ ҲОЛДА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК, ЎРТАКИ ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК.

● Боғ ва узумзорларда ҳар бир ишни намунали ташкил этиб, камида бир ярим—икки йиллик план миқдорида мева ва узум тайёрлашга эришайлик.

Пойтахт область пахтакорлари ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр ҳисобланган июль ойида ғўзага агротехник ишлов беришни кун сайин кучайтирмоқдалар. Суратларда: [пастда] Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз механизатори Тожимат Бозоров зарарли хашаротларга қарши дори сепишда ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир; [ўнгда] Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг миришкор сувчиси Ҳамза Ҳамдамов ғўзаларни саратон сувига қондириб, ҳосилга ҳосил қўшишда жонбозлик кўрсатмоқда.

А. Абалян фотолари.

ЧЎПОН МАСЪУЛИЯТИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ҚЎЙЧИЛИК СОВХОЗИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Буюк воқеалар арафасида турибмиз. Келаси йил февраль ойида Москвада жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди очилади. Ўзбекистон Компартияси XX съезди бўлиб ўтади. Ҳар гал ана шундай дамларда меҳнат кишиси, бойлик яратаётган ҳар бир касб эгаси ўзига-ўзи ҳисоб бериш табиий бир ҳолдир. Улкан анжуманга муносиб совға тайёрладикми? Биз чўпонлар эл маъмурчилиги йўлида партия топшириқларини қандай бажармоқдамиз?

Амалга оширган ишларимиз, эришилган натижаларни кўз ўнгимизга келтириб, таҳлил этар эканмиз, фахр билан «Чўпонларимиз ўз касбларини ардоқлаб, масъулиятни чуқур ҳис қилиб, зиммага олган топшириқларни шараф билан бажармоқдалар» деб айта оламиз.

Аввало қўйчиликда ғоят долзарб, ҳал қилувчи қўзилатиш мавсуми қандай ўтганлиги ҳақида икки оғиз сўз.

Биз бир неча йилдирки, олимлар, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, илғор тажрибаларни жорий этиб, эрта қўзилатишга ўтганмиз. Ҳар йили совлиқларимиз февраль ойида қўзилай бошлайди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ўнинчи мартга келиб, планни муваффақиятли уддаладик ва юксак мажбурият ҳисобига қўзи олишни давом эттирдик. Ниҳоят бу мавсум муваффақиятли якунлангач, ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Натижа биз кутгандан ҳам знёда бўлиб чиқди. Ҳар юз бош совлиқдан 116 тадан қўзи олдик. 1980 йилда пландаги 14840 бош ўрнига 18843 бош қўзи олинди.

Айниқса, 1 ва 3-бўлим чорвадорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бу бўлимларга ҳар юз бош совлиққа 125 тадан қўзи тўғри келди. Ашрали Тулбасов, Мамат Адеев, Таста Тожибоев, Абдулла Алҳабоев, Камол Борлибоев, Абдубаёт Аҳмедов, Тожибек Плалов, Мошколдор Ёқубовлар бош чўпон бўлган отарларда ҳар юз бош совлиқдан 140—143 тадан қўзи олинди. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган эди. Шунинг учун ҳам қўзилар тўла сақлаб қолинди.

Эл дастурхонига йилдан-йилга мўл-кўл семиз гўшт етказиб бермоқдамиз. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун белгиланган план зиёдаси билан адо этилди. Ҳозиргача 507 тонна ўрнига 525 тонна гўшт топширилади. Гўштга топширилаётган қўйларни саралаб, бўрдоқига боқиш ҳисобига уларнинг салмоғини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Бир қўйнинг тирик вазни ўртача 57 килограммдан ошиб кетди. Совхоз тарихида биринчи марта ана шундай кўрсаткичга эришилди. Жун қирқишни апрель ойида бошлаган эдик. Чўпонларимиз бу соҳада ҳам уюшқоқлик, тезкорлик кўрсатиб ишладилар. Жун қирқувчилар меҳнатига рағбатлантирилган ҳақ тўлаб берилди. Бу — ишни сифатли бажаришни ва унумдорликни оширишни таъминлади. Кузда ҳар бир қўйдан 1 килограмм 200 граммдан жун қирқилган бўлса, кўкламда бу кўрсаткич 2 килограммни ташкил этди.

Совхозимиз чорвадорларининг маҳорати ортиб, тажрибаси йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Натижада топшириқлар муддатидан илгари бажарилаётир. Ҳозиргача ўнинчи беш йиллик планида қўзда тутилганидан 15100 бош қўзи ортиқча олинди. Ем-хашак базаси мустаҳкам. Бу йил мўлжалдаги 4300 тонна ўрнига 7200 тонна хашак жамғарилди.

Маълумки, бу йил аввл ўт ўсадиган пайтда ёғингарчилик кам бўлди. Табиий ўтлардан шунчаки тайёрлаш имкониятлари чекланиб қолди. Лекин шунга қарамай биз ички резервларни ишга солдик ва юқорида айтганимдек, бу соҳадаги топшириқни ортиқ билан бажардик.

Ажойиб изензор барпо этганмиз. Айниқса, хашак бўлмай қолган йилларда изен жуда қўл келади. Чунки у, сувсиздикка чидайдиган ўсимлик. Қўйлар учун тўйимли ва ширали озуқа ҳисобланади.

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиб ишлатш юзасидан катта тадбирларни амалга оширмоқда. Мутахассислар, бўлим бошлиқлари, бош чўпонлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Чўпонлар ўртасида ўзаро мусобақа авж олдирилган.

Биз чўпонлар билан тез-тез учрашиб, йиғилишлар ўтказиб турамиз. Бунда илғорларнинг иш тажрибаси ибрат қилиб кўрсатилади. Чўпон меҳнатининг шарафлилиги, масъулияти, инсоф билан ишлаш — катта обру келтириши алоҳида таъкидланади.

Айни кунларда белоён Келес массивларида жойлашган совхозимиз марду-майдонлари КПСС XXVI съезди шарафига оширилган мажбурият қабул қилиб, меҳнат қилмоқдалар. Биз йил охиригача яна 128 тонна гўшт, 28 тонна жун сотамиз. Қўй-қўзилар бош сони тўла сақлаб қолинади. Қишловга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказиб қўйилди.

Аббосхўжа БАКИРОВ,
совхоз директори.

СОВЕТ—ВЬЕТНАМ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

3 июль куни Кремлда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида геология разведкасини ўтказиш ҳамда ВСР жанубидаги соҳил бўйи сувларида нефть ва газ қазиб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков билан ВКП Марказий Комитетининг секретари, ВСР Госплани Раиси Нгуен Лам имзоладилар.

Имзолаш маросимида: Совет томонидан — Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар;

Вьетнам томонидан—ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг, ВСР Госплани Раисининг ўринбосари Чан Куинь, ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хыу Май, вьетнамлик бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).



РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ 1980 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

ги ҳамма ишларни энг мақбул муддатларда юқори сифатли қилиб ўтказдилар ва ғўза қатор ораларига зўр ғайрат билан ишлов бермоқдалар.

Ғўзани парвариш қилиш ва суғоришда моддий-техника ресурслари ва одам ресурсларидан тўла фойдаланишга, сувни тежаб-тергаб сарфлашга, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишларини барвақт тугаллашга, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга асосий эътибор берилмоқда. Агротехника ва ташкилий тадбирларнинг бутун комплекси ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришга, мўл ва эрта ҳосил тўпланишига, ҳар бир бригада, колхоз ва совхоз қабул қилган социалистик мажбуриятини бажаришини таъминловчи мўл ва эрта ҳосил тўпланишига ҳамда пахтанинг сифатини оширишга қаратилгандир. Айни вақтда йиғим-терим техникаси ва транспорт воситалари, тош-тарози хўжалиги, пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари ҳозирлаб қўйилмоқда, механизаторлар ва тайёрлов тармоғи кадрлари тайёрланмоқда.

Шу билан бирга ҳали ўсиш ва ривожланишда орқада қолаётган ғўза майдонлари борлигини текшириш кўрсатди. Бир қанча районлар ва хўжаликларда суғориш паст суръатларда олиб борилмоқда, сувчилар етарлича ажратилмаяпти, ғўзани озиқлантириш, суғориш ва культивация қилишда камчиликларга йўл қўйилмоқда, органик ўғитлардан кам фойдаланилмоқда, ишлар сифатини контроль қилиш сусайтириб юборилган.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари босган пахтазорларни текшириш ва уларга қарши курашни ўз вақтида ўтказиш, биологик ва интеграллашган методларни қўлланиш, зараркунанда ва касалликларнинг манбаларига қарши ерда ишлатиладиган аппаратлардан самарали фойдаланиш ҳамма жойда ҳам етарли даражада ташкил этилган деб бўлмайди. Уруғлик экинлари агротехникасида бузилишларга йўл қўйилмоқда.

Андижон, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд областларининг хўжаликлари пахта териш машиналарини юксак сўрғалар билан тахт қилиб қўймоқдалар. Гагарин, Москва, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ, Фарғона районлари ҳамда бошқа кўпгина районларнинг колхоз ва совхозларида йиғим-терим техникасининг ремонти яхши ташкил этилган. Ана шу хўжаликларда пахта териш машиналарининг 30—37 процента тахт қилиб қўйилган.

Бироқ, жойларда ўтказилган текшириш йиғим-терим техникасини тайёрлашда жиддий камчиликлар ва нуқсонлар борлигини кўрсатди. 16 июнгача бўлган маълумотларга кўра, 16 мингта пахта териш машинаси, 11 мингта трактор прицепи, 6 мингта кўрак чувиш машинаси, 5 мингта кўсак териш машинаси, 1,3 мингта механик подборщик, 600 та пахта погрузчиги ва бошқа машина механизмлар ҳали ишга тайёр эмас.

Қорақалпоғистон АССР (29 процент), Жиззах (39 процент), Хоразм (44 процент) ва Наманган (49 процент) областларининг хўжаликлари пахта териш машиналарини тайёрлашда орқада қолмоқдалар. Арнасой районида эса пахта териш машиналарининг 6 проценти, Кегайли районида 10 проценти, Шумонай районида 15 проценти, Ғузор районида 21 проценти ва Гурлан районида 22 проценти тайёр, холос.

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си ремонт корхоналарининг, колхоз ва совхозлар устахоналарининг мавжуд қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ремонт устахоналари ва заводларининг икки сменада ишлаши ташкил этилмаган, йиғим-терим техникаси ва транспорт воситаларининг ҳаммаси ҳам ремонт қилинаяпти деб бўлмайди. Техникани паст сифат билан ремонт қилиш ходларига йўл қўйилмоқда. Механизатор кадрлар ремонтга етарлича жалб этилмаганлар, уларга унумли ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаган.

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» органлари колхоз ва совхозларни зарур запас қисмлар ва ремонт материаллари билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминламаяптилар.

Аэродромларни тайёрлаш, йўллар, кўприклар, хирмонлар, юк ортиш-туширишмеханизмлари, тош-тарози хўжаликларини ремонт қилиш, дефолиантлар, этаклар, брезентлар ҳамда бошқа зарур материаллар ва анжомларни етказиб бериш ишлари чўзиб юборилмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил ва маҳаллий саноат министрликлари қишлоқ хўжалигига биринчи ярим йил фондидан этиклар, қулоқчинлар, печлар ва кийтильникларни етказиб беришни бардбод этмоқдалар.

Тайёрлов пунктларини пахта қабул қилиб олишга ҳозирлаш суст давом этмоқда. Мавжуд 374 та қуритиш-тозалаш цехидан 105 таси тайёрланган, автомобиль тороазларининг 36 проценти, пахта уйиладиган майдончаларнинг 48 проценти, ленталли транспортёрларнинг 68 проценти тайёр. Сирдарё, Жиззах, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда тайёрлов пунктларининг моддий-техника базасини шайлаш орқада қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Узколхозстрой» бирлашмаси, «Главсредазирсовхозстрой» пахта тозалаш заводларини, тайёрлов пунктларини, қуритиш-тозалаш цехларини ва пахта омборларини қуриш ҳамда фойдаланишга топшириш ишларини чўзиб юбормоқдалар.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси машинада терилган пахтани қуритиш ва тозалаш учун поток линияларни етказиб беришда орқада қолмоқда, заводлар ва қуритиш-тозалаш цехларининг технология асбоб-ускуналарини ремонт қилиш учун асосий номенклатурага мувофиқ республика пахта заводларига механизмлар, механизациялаш воситалари ва запас қисмларни етказиб беришни кечиктирмоқда.

Колхозларни, совхозларни тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини 1980 йил пахта ҳосилини териш, қабул қилиш, асраш ва қайта ишлашга ўз вақтида шай қилиб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон Касаба Союзлари Республика совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат комитети ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари олдига биринчи даражали вазифани — меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини янада активлаштириш ҳамда мўл ҳосил тўпланши ва пахтанинг эрта етилишини, ғўза парваришни суръатлари оширилишини таъминлашга, озиқлантириш, суғориш, культивация ва чеканка қилишни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказишга, бегона ўтлар ҳамда қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашни ташкил этишга қаратиш, шу тариқа ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригаданинг беш йиллик якунловчи йили учун қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришига эришиш, шунингдек пахта теримига, уни қабул қилиш, асраш ва қайта ишлашга доир ҳамма тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугатиш вазифасини қўйдилар.

Шу мақсадда:

ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда ғўза ривожининг ҳолати синчиклаб ўрганилсин, ғўза парваришни кучайтириш юзасидан агротехника тадбирлари комплекси белгиланиб амалга оширилсин. Озиқлантириш, суғориш ва культивацияни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор берилсин, далаларни бегона ўт босишига ва ғўзаларнинг қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан шикастланишига йўл қўйилмасин. Ғўзани чеканка қилиш энг мақбул муддатларда ўтказилсин;

Барча сортлар ва репродукцияларга биноан юқори сифатли уруғлик пахта тайёрлашни таъминловчи эртанги мўл ҳосил тўпламоқ учун уруғлик пахтазорларда ғўза парваришни кучайтирилсин;

Пахта териш машиналари, тракторлар, трактор прицеплари, ортиш механизмлари, шунингдек техника хизмати воситалари ва ёнилғи қўйиш механизмларини 1980 йил 15 августгача, кўрак чувиш, кўсак териш машиналари, тўкилган пахтани териш машиналарини ва бошқа машина-механизмларни ремонт қилиш ва тайёрлаш 1 сентябргача тугаллансин;

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си, колхозлар ва совхозлар ремонт корхоналарининг мавжуд қувватларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, уларнинг икки сменали ишлаши ташкил этилсин;

механизаторлар ҳар бир машинани қамраб олиш ҳисобидан ремонт ишларига жалб этилсин, ҳамма жойда ремонтчилар ўртасида пахта териш техникасини ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаш учун социалистик мусобақа авж олдирилсин;

пахта ҳосилини териш бошламасдан барча хўжаликларга терим техникаси ва транспорт воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда нефть маҳсулотлари ташиб олинсин, тежаб-тергаб ва ўринли фойдаланишга эътибор берилсин;

1980 йил 15 августдан кечикмай терим-транспорт отрядларини тузиш ниҳоясига етказилсин. Отрядлар малакали кадрлар билан, яхши тайёрланган техника хизмати звенолари билан таъминлансин, улар хизмат қилиш воситалари билан, узелларни, агрегатларни, запас қисмларни ва ремонт материалларини алмаштириш фонди билан таъминлаб қўйилсин. Пахта териш техникаси, транспорт воситаларини ҳамда бошқа машина ва механизмларнинг узлуксиз, серунум ва сифатли ишлаши учун механизаторларнинг, инженер-техник ходимларнинг шахсий масъулияти оширилсин;

Йиғим-терим бошлангунга қадар янги дала шийпонларини, асфальтланган майдончаларни, хирмонларни, торозиларни, йўллар ва кўприкларни қуриш ҳамда мавжудларини ремонт қилиш ниҳоясига етказилсин;

1980 йил 10 августгача тайёрлов пунктлари шай қилиб қўйилсин, улар зарур механизмлар, асбоб-ускуналар, ишчи кучлари билан таъминлансин ҳамда топшириққа нисбатан ҳар куни 8—10 процент ҳажмида пахта қабул қилинишини таъминламоқ учун уларнинг узлуксиз ишлаши ташкил этилсин. Пахта заводлари ва қуритиш-тозалаш цехлари 15 августгача ремонт қилиб бўлинсин;

5 августдан 10 августгача районлар ва хўжаликлар ўртасида пахта териш ва тайёрлашга шайликни ўзаро текшириш ўтказилиб, камчиликлар аниқланганда уларни бартараф этиш чоралари кўрилсин;

ғўза қатор ораларига ишлов беришда, техникани, пахта тозалаш заводлари, тайёрлов пунктларини ремонт қилиш ва ҳозирлашда, шунингдек 1980 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашда банд бўлган колхозчилар, совхозларнинг, тайёрлов ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналар ишчиларининг унумли ишлаши учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилсин.

Область, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати ва Тайёрлаш министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва уларнинг жойлардаги органларига;

колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассислари ва бригадирлари, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, теримчилар ҳамда тайёрлов пунктларининг ходимлари ўртасида юқори сифатли пахтани қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш, шунингдек уни териш, ташиш, асраш ва қайта ишлашда бузилишга ва нобуд бўлишга йўл қўймаслик давлат аҳамиятига молик эканлиги тўғрисида ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

топширилаётган ва тайёрланаётган пахтанинг сифати ҳамда унинг нес-нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига, колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг раҳбарлари зиммасига шахсий масъулият юклаш:

қабул қилинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишини таъминловчи миқдорларда пахтаси машинада териладиган участкаларни ўз вақтида ажратиб бериш, ўсимликларнинг биологик жиҳатдан етилишига ғўза дефолациясини энг мақбул қисқа муддатларда ўтказиш, ерда ишлатиладиган аппаратлардан тўла-тўкис ва юксак унумли фойдаланиш;

Ипак пахта навларини теришда машиналардан кенг кўламда фойдаланиш, теримни механизациялаш даражасини ошириш, ипак пахтани машинада териш юзасидан конкрет вазифалар белгилаш;

уруғлиққа экилган ғўзани далада ўз вақтида ва сифатли апробация қилиш ва унинг натижаларига кўра уруғлик пахта териш ва топшириш юзасидан топшириқлар белгилаш;

уруғлик пахта тайёрлаш учун вильт ва бошқа касалликларга мумкин қадар оз чалинган серҳосил майдонларни ажратиш, янги истиқболли ғўза навлари уруғлик пахтаси учун мумкин қадар кўп майдон ажратилиши ва бундай уруғлик тайёрланишини таъминлаш;

уруғлик пахта майдонларини (яруслаб терадиган машиналарга ажратилган майдонлар бундан истисно) уруғлик пахта терилиб бўлганидан сўнг дефолиация қилиш;

Уруғлик пахта ГОСТ талабларига биноан берилиши, топширилиши, қабул қилиб олиниши, сақланиши ва қайта ишланиши учун колхоз, совхоз, тайёрлаш ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари, бригадирлар ва теримчиларнинг шахсий масъулиятини ошириш, бунда уруғлик пахтани албатта хўжаликларнинг ўзида офтобда қуритиш;

уруғлик пахта теримчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадларида совхозларнинг директорларига қўлда териш нормасини техник хом ашё терими учун қабул қилинган нормадан 20—25 процент паст қилиб белгилаш ва колхозларнинг правленияларига шундай қилишни тавсия этиш;

машинада яруслаб терилган уруғлик пахта кўпроқ тайёрлаш пунктларининг заводлари территориясида жойлаштирилиши, сақланишини таъминлаш, пахта ғарамини ҳосил қилингач 30 кундан кечиктирмай биринчи навбатда чигити ажратилишини таъминлаш, машинада яруслаб терилган уруғлик пахтани техник ғарамларга ўтказилишини тақиқлаш вазифаларини топшириш.

«Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси запас қисмлар ва терим техникаси юзасидан уч квартал фондларини Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си билан келишиб олинган муддат ва номенклатурага кўра, барвақт етказиб бериш чораларини кўрсин, шунингдек қўшимча запас қисмлар жўнатиш имкониятларини кўриб чиқсин.

«Узбекхлопкомаш» бирлашмаси 1980 йилда республика пахта заводларига тайёрлаш пунктларида пахта қуритадиган ва тозалайдиган 76 комплект 2-СБ-10 қуритиш барабанлари бўлган ПЛПХВМ-02 маркали поток линиялар етказиб беришни, таъминласин. Шундан 54 комплекти 1980 йил 1 октябргача ва 22 комплекти 1 декабргача етказиб берилсин.

Учинчи квартал фондлари асосида механизация воситалари, қуритиш ва асосий технология машина-ускуналарининг запас қисмлари бир ой барвақт ортиб жўнатилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, «Узколхозстрой» бирлашмасига, область, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область, район ижроия комитетларига Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг пахта тозалаш заводлари, тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва бошқа объектларининг қурилиши ва ремонти қандай бораётганлигини кўриб чиқиш, бу ишдаги қолоқликни тугатиш юзасидан конкрет чоралар кўриш ва улар ўз вақтида ишга туширилиши ва тайёрланишини таъминлаш таклиф этилди.

Граждан авиацияси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг талабига биноан зарур миқдорда АН-2 самолётлари ва вертолётларини ўз вақтида тахт қилиб қўйиш вазифаси топширилди. Экипажларнинг командирларидан белгиланган дефолиация қоидаларига қатъий риоя қилиниши, ишнинг юқори сифатли бўлишини ва самолётлардан унумли фойдаланиш, ҳавфсизлик техникаси шартларининг бажарилишини таъминлаш талаб қилинсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, саноат корхоналари ва қурилишлар партия ташкилотларига пахта қуритиладиган асфальтланган майдонларни, қуритиш-тозалаш цехларини, хўжалик ички йўллари ва кўприкларини қуриш ва ремонт қилишда, пахта тўриш техникасини ремонт қилиш ҳамда пахта териш ва тайёрлаш даврида уларга техникавий хизмат кўрсатишда колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш пунктларига оталиқ ёрдами кўрсатишни ташкил қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, СССР Давлат стандартининг Ўзбекистон республика бошқармаси ва Тошкентдаги «Эталон» тажриба заводига колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларида терим ишлари мавсумига қадар тош-тарозиларни ремонт қилиш ва тамғалашни тамомлаш вазифаси топширилди.

«Ўзбекбирлашув»га, Ўзбекистон ССР Савдо, Пахта тозалаш саноати министрликларига, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си, «Госснабига», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига талаб қилинган миқдорда тарози, этак, қоп-қанор, фляга, кўмир, печлар, шунингдек пахта териш ва тайёрлаш давомида қишлоққа зарур кийим-кечак, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа молларни ўз вақтида етказиб беришлари таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Енгил ва Маҳаллий саноат министрликларига, Ўзбекистон ССР Ички ишлар ва Пахта тозалаш саноати министрликларига, республика матлубот кооперацияси ташкилотларига махсус жомакор, кирза этик, қоп-қанор газламаси, чўян печь ва бошқа зарур ресурслар ўз вақтида, тўла-тўкис етказиб беришни таъминлаш, йилнинг биринчи ярми фондлари асосида шу моллар камоматини тўлдириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш, Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига ўзларига қарашли автомобиль йўллари ва кўприкларини, шунингдек колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш пунктларига олиб борувчи йўлларни 1 августга қадар ремонтдан чиқариш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетига, Ўзбекистон ССР Ички ишлар ва Тайёрлаш министрликларига колхозлар, совхозлар, тайёрлаш пунктлари, корхоналар ва бошқа ташкилотларда ҳосил теримига тайёргарликнинг боришини контроль қилиб туришни кучайтириш, пахтани териш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда унинг нобуд бўлиши ва бузилишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига барча колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш пунктларида ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ва давлат ёнғин назорати органлари тавсия этган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини 1 августга қадар текшириб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Маданият, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Алоқа министрликларига, колхозчилар, совхоз ишчилари, пахта терими ва тайёрлашга жалб этилган ва шу иш билан банд бўлган бошқа ходимларга намунали хизмат кўрсатилишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва уларнинг жойлардаги органларига касаба союз ташкилотлари билан биргаликда хосил терими бошланган дастлабки кунларданоқ колхозлар, совхозларнинг меҳнатга лаёқатли барча аҳолисининг пахта теримига чиқишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, терим машиналарининг ҳар бир механик-ҳайдовчиси, пахта теримчиси кунлик нормани бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришлари таклиф этилди. Пахта теримида банд бўлган механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари кенг кўламда қўлланмоғи лозим.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика, область ва район комитетларига колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар меҳнатига тўғри ва ўз вақтида ҳақ тўланиб турилиши устидан, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, дефолиант моддалар билан ишлашда ҳавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда пахта териш техникаси ва механизмларидан фойдаланиш ҳавфсиз бўлиши устидан контролни таъминлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети олдига техникани, механик-ҳайдовчиларни тайёрлашда комсомол ташкилотларининг актив қатнашувини, янги ҳосил пахтасини териш ва тайёрлашнинг юксак сифатли ўтказилиши учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлатга топириладиган пахтанинг терим суръатлари юксак ва сифатли бўлмоғи учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар, колхозлар, совхозлар, илғор механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этишга қарор қилинди:

а) Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун иккита Қизил байроқ;

б) районлар учун тўртта Қизил байроқ, шулардан бири давлатга ипак пахта топширувчи районларни рағбатлантириш учун ва яна биттаси қўриқ ерлардаги районларни рағбатлантириш учун;

в) совхозлар учун учта Қизил байроқ, шу жумладан қўриқ ерлардаги совхозларни рағбатлантириш учун битта Қизил байроқ ва ипак пахта топширувчи совхозларни рағбатлантириш учун битта Қизил байроқ;

г) колхозлар учун иккита Қизил байроқ, шулардан бири ипак пахта топширувчи колхозлар учун.

Кўчма Қизил байроқлар сентябрь ойи биринчи ўн кунлигининг якунларидан бошлаб ҳар 10 кунда бир марта бериб турилсин. Қизил байроқларни топшириш вақтида жами пахта тайёрлаш плани ҳамда машинада териш плани қандай бажарилганлиги назарда тутилсин.

Ипак пахта етиштириш планига эга бўлган областларда бу пахтани ўртача толали навларга бараварлаш мақсадида ўн кунлик якунларини чиқараётганда бунинг учун ўтказиш коэффициенти жорий этилиб, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари учун 1,3; Бухоро ва Наманган областлари учун 1,5 қилиб белгилансин.

Қизил байроқлар топшириш билан айни бир маҳалда пахта териш унумдорлиги ва сифати юзасидан энг юқори кўрсаткичларга эришган териш машиналари механик-ҳайдовчиларига сотиш учун Қорақалпоғистон АССР ва областларга 4 тадан енгил автомобиль ва 2 минг сўмдан пул мукофоти; энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун районларга 2 тадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун совхозларга биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул; энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун колхозларга биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилсин.

Ипак пахта териш ва давлатга топиришнинг юксак суръатлари учун Қизил байроқлар бериладиган районлар, колхозлар ва совхозлар учун қўйидаги мукофотлар белгилансин: районларга — теримчи машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига сотиш учун 3 тадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 700 сўмдан пул; совхозларга — механик-ҳайдовчиларга — сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул. Терим машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига шу енгил автомобиллар матлубот кооперацияси йўли билан бозор фондидан сотилсин.

Қизил байроқлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Марказий Статистика Бошқармаси ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг тақдимига биноан берилсин.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига пахта териш ва тайёрлашга ҳозирликнинг, янги ҳосил терими ва унинг топиришнинг қандай ўтказилаётганлигини газета саҳифаларида, телевидение ва радио орқали мунтазам равишда ёритиб бориш вазифаси топширилди.

Республика газеталари саҳифаларида ҳурмат тахтасини таъсис этиб, пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган областлар ва районларни унга ёзиб боришга қарор қилинди.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВНАЙДИ

Пискентда икки қаватли янги бинода болаларнинг шўх ва қувноқ овозлари янграб эшитила бошлади. Янги болалар комбинати пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчиларининг 280 фарзандини қабул қилиб олди.

Кичкинтойларнинг ҳар бир куни қувноқ, қизиқарли ўтиши учун кенг ўйин хоналари, музика заллари бунёд этилган. Мактабга чиқишга тайёрланадиганлар учун эса ўқув кабинетлари бор. Ям-яшил дарахтлар, фавворалар, гулзорлар ҳовлида микро иқлим вужудга келтиради. Ёзнинг жазирама кунлари бу ерда тарбияланувчилар ҳовузчада роҳатланиб чўмиладилар.

Тошкент область саноат корхоналари ҳузурида, колхоз ва совхозларда 777 та мактабгача болалар муассасалари бор. Уларда 105 мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда. **Суратда: Пискентдаги янги болалар комбинати.**

А. Мальцев фотоси.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛАДИ

Хўжалигимизда пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Сигирлар зотини яхшилаш ҳисобига йил сайин маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. Бригадамиз аъзолари масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги кунга қадар пландаги 1200 тонна ўрнига 1300 тоннадан ортиқ сенаж бостирилди. Табиий ўтлардан кўплаб пичан тайёрланди. 90 гектар ердаги эски беҳазорларда иккинчи ўрим қизғин бораётир.

Бу йил биз Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози чорвадорларининг ташаббусига қўшилиб, икки йилга етадиган дағал ва ширали озуқа тайёрлашга бел боғлаганмиз. Бунинг учун беда пичани 1800 тоннага, табиий пичан 200 тоннага етказилиши керак. Ана шу мақсадда барча тадбирлар амалга оширилаётир. Шунингдек, 30 тонна ўт талқони тайёрланади. 300 тонна сомон жамғарамиз ва икки минг тонна силос бостирилади.

Беҳазорлар ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ўғитлар билан қўшимча озиқлантиришга катта эътибор бераётирмиз.

Маккажўхори — қимматбаҳо озуқа кони. Бу йил бизда 100 гектар ерда «дала маликаси» парвариш қилинмоқда. Ҳозиргача тўрт марта комплекс ишловдан чиқарилди, икки марта озиқлантирилди. Абдувоҳид Рўзиматов бошлиқ бригада маккажўхорикорлари ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили олишга сўз беришган.

Сувли 25 гектар ерга экилган арпадан ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Ер бўшагач, силос учун маккажўхори экамиз. Ҳар гектаридан 600 центнердан кўкпоя оламиз.

Ем-хашак мўл бўлади. Бригадамиз азаматлари: Суюн Мирзаев, Ҳамидулла Кўзиев, Тошқул Юсупов, Муртоз Иброҳимов ва Тўлаган Бобоқулов ўртоқлар елкама-елка туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. АБДУРАҲМОНОВ,
Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз ем-хашак бригадаси бошлиғи.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧОРВАДОРЛАРГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

Ҳар бир ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг ўз касбига бўлган меҳри, ихлосига боғлиқдир. Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози раҳбарияти ва партия ташкилоти ўз фаолиятида бу масалага катта аҳамият бермоқда. Шунинг учун ҳам колхозда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам кескин ривожланаётир. Айниқса, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумидан кейинги даврда бу соҳада катта тадбирлар амалга оширилди. Янги чорвачилик комплекси қурилиб ишга туширилди. Бу ерда чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилди. Улар ўртасидаги социалистик мусобакага ҳар ўн кунда якун ясаб турилди. Илғорлар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Оммавий-сиёсий, тарбиявий ишлар намунали ташкил этилган. Натижада фермада меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати тобора яхшиланмоқда. Бу ерда ўрганилса, бошқа хўжаликларда ҳам қўлланилса, оммалаштирилса арзийдиган тажрибалар тўпланди. Шу мақсадда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими колхозда район чорвадорларининг кўргазмали семинар-машғулоти ташкил этди.

Семинарга сут соғувчилар, молбоқарлар, ферма мудирлари, мутахассислар, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари таклиф этилди.

Машғулот бошланишидан олдин семинар қатнашчилари комплексда ишнинг ташкил этилиши билан танишдилар. Район қишлоқ хўжалик бошқармаси бош ветеринария врачи А. И. Рзаиев, колхоз осеминатори М. Усмонов ўртоқлар семинар қатнашчиларига сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг сифатини яхшилаш, кўплаб бузоқ олишни йўлга қўйиш соҳасидаги тажрибалар ҳақида гапириб бердилар.

Шундан сўнг ферма рўпарасидаги дала шийпонида кенгаш бошланди.

Кенгашда район ижроия комитетининг раиси С. Ғоипов ва илғор сут соғувчилар сўзга чиқдилар. Ўзаро тажриба алмашилди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими лекторлар группасининг раҳбари Р. Турсунов чорвадорлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида сўзлади.

Семинар ишини район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамов якунлади. Семинарда область халқ контроли комитетининг раиси М. Муллаев иштирок этди.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ «ЛЕНИНОБОД» КОЛХОЗИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАР-КЕНГАШИДАН

ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР

ТОПШИРИЛГАН ишга ижодий муносабат, тадбиркорлик Оққўрғон райони меҳнаткашлари эришаётган ютуқларнинг бош омили бўлаётир. Районнинг азамат пахтакорлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, йил сайин ялпи пахта етиштиришни кўпайтириб, ҳосилдорликни кўтаришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу йил улар 70 минг тонналик хирмон учун курраш олиб бораётирлар. Далаларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда.

Ҳаётий муҳим тармоқ чорвачилик ҳам районда салмоқли ўринни эгаллайди. Айниқса, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил пленумидан сўнг район партия, совет ташкилотлари раҳбарлигида чорвачиликни юксалтириш, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта ишлар қилинди.

Хўжаликни комплекс ривожлантирамиз, давлатга ҳам пахта, ҳам гўшт, ҳам сут топширишни кўпайтирамиз!

Колхоз ва совхозлар ана шу ишни остида иш олиб бораётирлар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV Пленуми, область партия комитетининг чорвачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган махсус пленумлари қарорлари асосида белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш чоралари кўрилаётир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент области чорвадорларига йўллаган мактуби барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини янада руҳлантириб юборди.

Колхоз ва совхозларда кўплаб чорвачилик binolari қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Кадрларнинг сифат состави қайта кўриб чиқилди. Натижа қувончли бўлаётир. Гўшт, тухум, сут етиштириш суръатлари ўтган йиллардагига қараганда кескин кўтарилди. Айниқса, С. Сегизбоев номли совхоз. Охунбобоев номли колхозларда қилинаётган ишлар диққатга сазовордир.

Бир вақтлари «Ленинобод» колхози меҳнаткашлари пахтачиликдаги ютуқлардан фахрланиб сўзлашар, бироқ, гап чорвачиликка келиб тақалганда, бошларини қуйи эгардилар. Эндликда чорвачилик ҳам рентабелли соҳага айланиб қолди.

1979 йилда колхозда замонавий типда қурилган чорвачилик комплекси фойдаланишга топширилгач, ишлар янада юришиб кетди. Ҳозир комплексда 1037 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 400 таси соғин сигирлар. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олинди. Бу йилги марра 3300 литр. Айрим сут соғувчилар ўзларига биркитилган сигирлардан 3800—4000 литрдан сут соғиб олмоқдалар. Маҳсулот сифати кескин кўтарилди.

Бунинг боиси нимада?

Деҳқончиликдаги сингари чорвачиликда ҳам иш маданиятини яхшилашга катта эътибор берилаётир. Чорвачилик маданияти, бу — фермадаги юмушларни малакали бошқариш, меҳнат интизомининг мустаҳкам бўлишига эришиш, уюшқоқлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам асосида ишлаш, демакдир. Бунга эришиш эса хўжалик раҳбари ва мутахассисларидан катта ташкилотчилик, тушунтириш, оммавий-сиёсий ишларни намунали олиб борилишини талаб этади.

Бу ерда ана шундай тадбирлар амалга оширилмоқда. Ферма малакали кадрлар билан мустаҳкамланган. Сут соғувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда.

ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

ФЕРМАГА кираверишда чап томонда катта кўргазма бор. Бу ерда колхоз чорвадорларининг 1980 йилдаги мажбуриятлари, қанча гўшт, сут етиштирилиши ва шундан қанчаси давлатга сотилиши рақамларда аниқ акс эттириб қўйилган. Сут соғувчиларнинг исм-фамилиялари тўғрисига уларга биркитилган сигирлар сони, мажбуриятлари қайд қилинган. Ҳар куни эрталаб сут соғувчи фамилияси тўғрисига улар кеча қанча миқдорда сут соғиб олганликлари ёзиб қўйилади. Ҳар ўн кунда мусобақага якун чиқарилади. Биринчи ўринни олган сут соғувчи 20 сўм, иккинчи ўринни олган сут соғувчи 15 сўм, учинчи ўринни олган сут соғувчи 10 сўм пул билан тақдирланади. Мусобақа ғолибларининг фамилиялари «Илғорлар тахтасига» қайд қилинади. Сўнг, улар шарафига меҳнат шон-шуҳрати байроғи кўтарилади. Мукофот тантанали равишда топширилади. Бу усул 1978 йилдан буён жорий этилган. Ҳар ким ҳам илғор бўлсам, дейди. Кимнинг ҳам қолоқлар тахтасига ёзилгиси келади, дейсиз.

Шунинг учун ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксалиб бормоқда, **фермадаги мавжуд сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг ҳаммаси, деярли биринчи сортларга топширилмоқда.** Семинар қатнашчилари илғорлар тахтасига қайд этиб қўйилган донгдор сут соғувчилар Замира Раҳмонова, Дилором Юнусова, Мастура Асраеваларнинг тажрибаси билан жуда қизиқиб қолдилар.

Сут соғувчилик Замирага она касб. У жамоат ишларида ҳам актив. Район партия комитетининг аъзоси, Эл ишончини оқлаш учун изланиб, илғорлардан ўрганиб меҳнат қилаётир. Бу ҳақда у тўлқинланиб сўзлаб берди.

— Касбим-фахрим. Астойдил ихлос қўйганман. Ҳар бир сигирнинг феъл-атворига қараб иш юритаман, **Соғишга пухта тайёргарлик кўраман. Аппаратларни қўйишдан олдин сигирларнинг елнини уқалаб, ийдираман. Сутнинг сифати соғувчининг синчковлиги, озодалиги, саранжом-саришталигига боғлиқ. Айниқса, кечқурунги сут соғишга катта эътибор бериш керак. Чунки, кечқурунги сут эрталабки ва пешинда соғиб олинадиган сутга қараганда ёғлиқ бўлади. Шунинг учун аппарат ишлатиб бўлингач, охирги порция сутни қўл билан соғиб олишга эринмаслик керак. Ҳамма қаймоқ шунда бўлади.**

Замира сўзини тугатган эди, шундай савол тушиб қолди:

— Шароит, имконият бир хил, сигирларнинг зоти ҳам бир хил. Нега шунга қарамасдан эришиладиган кўрсаткичлар ҳар хил бўлади?

— Агар мумкин бўлса, мен жавоб бера қолай,— деб қўлини кўтарди семинар қатнашчиси, «Партия XXII съезди» колхозининг донгдор сут соғувчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Мақсуда Қўлдошева.

— Сигирнинг сути тилида деб бежиз айтмайдилар,— деди у.— Сут соғувчи ҳамиша хушёр бўлиши лозим. Белгиланган вақтдан кечиктирмасдан озуқани тарқатиш керак. Рациондаги гайиб бораётгандигининг боиси шунда.

— Сизларда ғолибларни аниқлаш тартиби қандай?

Семинар қатнашчиларининг бу саволига колхоз мутахассислари шундай деб жавоб бердилар:

Аввало, партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. **Бизга қуриб берилган бу комплексда қулайликлар кўп. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган махсус лаборатория бор бўлиб, у ерда ҳар бир соғувчи соғиб олган сутининг сифати зудлик билан аниқланади. Бу ишни кечиктириш мумкин эмас, айниқса, иссиқ кунларда. Сут тез ачиб, сифати бузилиб қолади.** Сутнинг ёғлилик даражасини текширгач, махсус дафтарга қайд қилинади. Сут соғувчининг меҳнатига кўпроқ у топширган сутнинг сифатига қараб баҳо берилади.

— Бундай лабораториялар ҳар бир хўжаликда ҳам борму, шундай эмасми?—деди кимдир.

— Бор, афсуски, ундан фойдаланмайдилар. Кўп ҳолларда бу лабораториялардаги асбоблар чанг босиб, занглаб ётади. Бу — ёмон иллат. Унга барҳам бериш кераК. Бизларда бунга асло йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир сут соғувчи масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилади. Илоҳи борича кўп ва сифатли сут соғиб олсам, дейди.

Баъзида шундай воқеалар бўлиб туради. Сут соғувчилар илғорлар тахтасидаги фамилияларини кўргач. бир-бирлари билан пичирлашиб қоладилар: «Тавба, биз ҳам улардан кам сут олмадик-ку, нега бизнинг фамилиямиз ёзилмади?» Ҳатто ферма мудири ва зоотехник олдига келиб, даъво қилишади. Ана шунда биз дафтардаги рақамларга мурожаат қиламиз. Улар топширган сутнинг ёғлилик даражаси кам бўлганлигини, шунинг учун ҳам, масалан, 100 литр сут 80 литрга ҳисоб қилинганлигини айтиб берамиз. Факт ўжар нарса. Улар ҳеч нарса дея олмай, ер чизиб қоладилар.

Хўжалик чорвадорлари эришаётган ютуқларнинг яна бир сири шундаки, бу ерда молларнинг зоти яхшилаб олинган. Наслчилик ишлари малакали йўлга қўйилган.

— Соғин сигирлар подасини йил сайин тўлдириб, зотли ғунажинлар ҳисобига янгилаб бориш керак,— дея сўзлаб берди колхоз оссемилятори,— бунинг учун энг биринчи навбатда сигирлардан бузоқ олишни яхши йўлга қўйиш керак. Бу — ферма зоотехниги, мутахассисларнинг ўз бурчига садоқат билан муносабатда бўлишларига боғлиқдир. Бу соҳада ҳар бир ишир-чикирни ҳисобга олиб, режа билан иш юритиш керак. Ана шунда кўзланган мақсадга эришилади. **1978 йилда ҳар 100 бош сигирдан 84 тадан бузоқ олинган эди. Ўтган йили 94 тадан олинди. Бу йил ҳар 100 бошдан 100 тадан бузоқ олиш кўзда тутилмоқда.** Ҳозирги кунда ҳар 100 бош сигирдан 49 тадан бузоқ олинди.

Бу рақамларни эшитган семинар қатнашчилари, раҳмат сизларга, иш деган мана бундай бўлибди, тажрибаларингиздан, албатта, ўрганамиз, деб миннатдорчилик билдирдилар. Чунки, район бўйича ҳар 100 бош сигирдан ўртача 70 тадан, айрим хўжаликларда 50—60 тадан бузоқ олинмоқда.

Оссемилятор сўзида давом этди:

— Бизда ҳар бир сигирнинг лақаби, маҳсулдорлиги, кимга биркитилганлиги акс эттирилган махсус дафтарчалар бор,— деди у қўлидаги кўрсаткич таёғи билан деворга қоқиб қўйилган шкафчаларга ва уларнинг хона катакларидаги дафтарларга ишора қилиб.— Уларда сигирларнинг бузоқлаган вақти, қачон сутдан чиққанлиги, қачон қочирилганлиги, тўғиш вақти ёзиб борилади. Ана шунга қараб иш юритилади. Сигирлар сутдан чиққач, алоҳида парвариш қилиниб тўйдирилади. Семиз ва соғлом сигир қуйишга яхши келади. Сунъий қочиришга тайёргарлик кўришдан олдин, буқалар махсус рацион асосида боқилади. Сигирларни деярли бир муддатда қочиришга тайёргарлик кўрилади. Ана шундай қилинса, бузоқлаш ҳам бир вақтда бўлади.

Комплексимизда туғруқхона корпуси керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Туғишдан олдин сигирлар шу ерга олиб чиқиб боқилади. Молбоқарлар кечасию-кундузи хабар олиб турадилар. Бузоқларнинг нобуд бўлишига асло йўл қўйилмайди. Янги туғилган бузоқлар учун махсус катакчалар бор бўлиб, бир ҳафта, бир ой давомида улар алоҳида-алоҳида боқилиб, она сутига тўйдирилади. **Бир сўз билан айтганда, бузоқлар ёшлигидан бақувват, илиги тўқ, соғлом бўлиб ўсади. Албатта, улар сигир бўлиб етишгач, серсут бўлади.**

МЕҲНАТ ВА ШАРОИТ

АҲОЛИНИНГ чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Бу талабни қондиришда сут соғувчиларнинг малакаси, меҳнати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фермаларда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. 10-синфни битирган қизларнинг кўпчилиги фермаларда ишлашга қолмоқда. **Ҳозирги сут соғувчини бундан 10—15 йил илгариги сут соғувчига асло тенглаштириб бўлмайди. У маданиятли, ўқимишли, фермага ҳам яхши кийиниб, таранг боришни истайди.**

Бу ерга келгач, шароит яхши бўлиши керак. Ана шунда у кўтаринки руҳ, яхши кайфият билан ишлайди. Яхши кайфият эса катта ниятва унумдорлик демакдир.

Комплексда бўлар ҳам ҳисобга олинган. Махсус хоналар бор. Бу хоналарга шкафлар қўйилган. Сут соғувчи ишга келгач, кийимларини жомакор — оқ халат, оқ сурупдан тикилган дуррачалар билан алмаштириб, юз-қўлларини ювиб, сўнг ишга киришади. Кечқурун ишни тугаллагач, хоҳласа душхонага кириб ювиниши мумкин.

Фермада бошқа имкониятлар, қулайликлар ҳам бор. Ошхона ишлаб турибди. Дам олиш хонаси мавжуд. Қизил бурчак безатиб қўйилибди. У ерда газета ва журналларнинг янги сонларини ўқишингиз мумкин. Ҳар хил бадиий китоблар бор. Вақтивақти билан колхоз ҳаваскорлари бу ерга келиб концерт бериб туришади.

Бу йил ферма атрофини ободонлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Дўнглик сурилиб, текисланди. Атрофга мингта чинор экилди. Боғ ва ерга шийпон қурилди. Кечқурунлари бу ерда бўлсангиз ҳузур қиласиз. Арикда шарқираб сув оқади, ғир-ғир шабада эсади. Ферма ходимлари ўзлари учун егулик сабзавот экишга аҳд қилиб қўйдилар.

Яна 3—4 йилдан сўнг бу ерга келсангиз, фермани танимай қоласиз. Дарахтлар бўй чўзиб, жуда ҳам хушманзара, соя-салқин жойга айланади.

Афсуски, ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам ферма ходимлари, чорвадорлар тўғрисида ана шундай ғамхўрлик қилинаяпти, деб айта олмаймиз.

Семинарда бу ҳақда сўз борганида шундай фикр, эътироз ҳақли равишда ўртага ташланди. Баъзи хўжалик раҳбарлари фермага келиб қолганларида мудир, зоотехник ёки сут соғувчи билан сўзлашганларида, план қанча бўлди, кеча қанча маҳсулот топширдинглар, деб саволга тутишади. Лекин, сут соғувчининг фикри, ўйи, ташвиши, талаби билан қизиқмайдилар. Мутахассисларнинг мулоҳазаларига қулоқ солмайдилар. Яхши ташаббусларни, тажрибаларни мақтайдилар-у, қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам бермайдилар. Чорвачиликка бундай муносабатда бўлиш ярамайди, албатта. Бу ишга ихлос ва меҳр керак. **Имконият етарли. Ҳар бир хўжаликда малакали кадрлар, мутахассислар бор. Уларни руҳлантириш, ишга марраларга даъват этиш, кўнглини кўтариш керак. Сўздан амалий ишга ўтиш лозим.**

Бу бизнинг ҳар биримизнинг ўзимизга, ташкилотчилигимизга, ишга онгли муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Бунда цех партия ташкилотларининг роли каттадир. Улар оммавий-сиёсий, ташкилий-ишларни хўжалик ишлари билан боғлаб олиб боришлари керак.

«Ленинобод» колхози фермасида худди шундай қилинмоқда. Бу ерда 17 коммунист бор. Улардан беш киши соғувчи. З. Раҳмонова, З. Обидова, Г. Турғунбоева ўртоқлар ҳам меҳнатда, ҳам муомалада, ҳам жамоат ишларида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар цех партия ташкилоти йиғилишларида тез-тез сўзга чиқадилар, сут соғувчининг ишини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ қимматли фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташлайдилар. Хўжалик раҳбарлари уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида ферма ишларини жонлантиришга қаратилган зарур тадбирларни белгилайдилар.

Сут соғувчи, чорвадор, айниқса ёшлар ташаббускор бўлишлари керак. Бизга яратиб берилган шароит, имконият шу эканда, деб кўникиб кетаверишлари яхши эмас.

Семинарда ана шу фикр ўртага ташлангач, С. Сегизбоев номли совхоз комсомол-ёшларининг ибратли ишлари мисол қилиб келтирилди. Кейинги йилларда хўжаликда чорвачилик кескин юксалди. Бунда комсомол-ёшларнинг ҳиссаси катта. Фермада 7 кишидан иборат ёшлар бригадаси бор. Улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, махсус хона ажратиб берилишига эришдилар. **Бу хонани ўз дидлари билан чиройли қилиб безаб қўйишибди. Кирсангиз дилингиз яйрайди. Ҳамма нарса муҳайё. Озода, саранжом-саришта. Қизлар бўш вақтларида бу ерда гурунглашиб, янгиликлар, тажрибалардан ўртоқлашиб, дам оладилар.**

* * *

СЕМИНАР кенгашда ана шу сингари жуда кўп фойдали фикрлар, тажрибалар ўртага ташланди. Бундан бўён ҳар бир колхоз ва совхозда фермаларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар ўртага ташланди.

— Беш йилликнинг якунловчи зарбдор йилида,— деди колхоз раиси К. Эгамбердиев.— 960 тонна сут етиштириш, ҳар бир соғин сигирдан 3300 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилганмиз. Давлатга 746 тонна сут, 90 тонна гўшт сотамиз. Ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 430 килограммдан кам бўлмайди. Бунинг учун бизда барча имконият бор. Фойдаланилмаётган резервларимиз ҳам йўқ эмас. Семинарда айтилган танқидий мулоҳазалар, фойдали фикрлардан тўғри хулоса чиқариб оламиз. Ишимизни янада жонлантириш учун ҳаракат қиламиз.

Н. РИХСИЕВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Суратларда: ● (юқоридан) колхоз партия ташкилоти секретари А. Маҳмудов семинар қатнашчиларига хўжалик чорвадорлари иши қандай ташкил қилинганлиги ҳақида сўзлаб бермоқда. ● (ўрта да) Оссемилятор-лаборант М. Усмонов иш устида ● (пастда) ферма бригадири Т. Усмонов сут соғувчилар билан суҳбатлашаётир.

Х. Аввалов фотолари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

● ФРИТАУН, (ТАСС). Бугун бу ерда Африка бирлиги ташкилоти аъзоси бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари ассамблеясининг XVII сессияси очилди.

Африкадаги 50 та мустақил давлат намояндалари Африка бирлиги ташкилоти министрлар кенгашининг Сьерра Леоне пойтахтида 18 июндан 29 июнгача бўлиб ўтган 35 сессияси ишлаб чиққан резолюцияни тасдиқлайдилар.

Давлат ва ҳукумат бошлиқлари сиёсий, иқтисодий, соцмал ва маданий соҳаларда бугунги кунда Африка олдида турган энг муҳим проблемаларни муҳокама қилади. Бу эса аввало қитъа жанубини мустамлакачилик қолдиқларидан тўла-тўкис ҳалос этиш, Претория ирқчи режимига қарши самарали иқтисодий чоралар қабул қилиш, Фаластин проблемасини бартараф этиш, шунингдек Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш учун Африка ва араб мамлакатларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга тааллуқлидир.

Сьерра Леоне президенти Сиака Пробин Стивенс сессия қатнашчилари ҳузурида табрик нутқи сўзлади.

МИСРДА ТЎНТАРИШ ҚИЛИШГА УРИНИШ

ҚУВАЙТ, 2 июль (ТАСС). Қувайтдаги «Ал анба» газетаси Миср ҳарбий тўнтариш қилишга уриниш бўлганини хабар қилди. Газетанинг маълумотларига кўра, Миср маъмурлари Миср қуролли кучларидаги 600 дан кўпроқ офицерни қамоққа олиб, ҳарбий трибуналга берди. Уларнинг кўплари ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Фитнада, деб уқтиради газета, олий офицерлар, шу жумладан генераллар бошчилигидаги ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларининг қисмлари қатнашганлар. Фитнада иштирок этган қўшинлар Қоҳира, Исмоилия, Искандария, Тель ал Кабирда ва мамлакатнинг бошқа районларида жойлашган бўлиб, ўз фаолиятини Ливия чегарасига тўпланган Миср қўшинларининг бўлинмалари билан мувофиқлаштириб олиб борганлар.

Фитна қатнашчиларининг планида махсус вазифаларни бажарувчи ҳужумкор отряд-лар ёрдамида ҳарбий шаҳарчаларни, президент Садат дам оладиган жойларни, давлат муассасаларини қуршаб олиш кўзда тутилган эди, деб ёзади «Ал Анба» газетаси. Бўлинмалардан бири радиоэшиттириш ва телевидение жойлашган бинони эгиллаб этиши ҳамда Миср революция қилинганлиги тўғрисида баёнот бериши лозим эди. Шу вақтда денгиз пиёда қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучларининг қисмлари денгиз портлари билан аэродромларни ёпиб қўйишлари, соҳилни қуруқликдан ва осмондан назорат қилиб туришлари керак эди.

Тўнтариш Садатнинг «тинчлик ташаббуси» деб аталган машмашасига барҳам бериш, Исроил билан ҳар қандай музокараларни тўхтатиш ҳамда араб давлатлари ва фаластинликлар билан муносабатларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадини кўзлаган эди.

Қоҳирадан олинаётган маълумотлар фитначилар Марказий Разведка Бошқармасининг ёрдами билан фош этилганидан далолат беради. МРБ ходимларининг катта бир группаси яқинда Миср-га келган эди.

Вице президент Муборак ҳарбий трибуналга зудлик билан ва пинҳона шароитда тергов ўтказишни топширди, деб хабар қилади «Ал Анба» газетаси. Олинаётган маълумотларда айтилишича, Миср гражданлари орасидан граждан шахслар ҳам бу фитнада қатнашганлар ва ҳар қандай дақиқада унга қўшилишга тайёр бўлиб турганлар.



ДЕМОКРАТИК ЯМАНДА саноат корхоналарини бунёд этиш, янги ерларни ўзлаштириш, транспорт ва алоқани ривожлантириш, геология-разведка соҳаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Суратда: Адан портининг ишчилари. АДН—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПАРИЖ. Бу ерда Франция Компартияси билан Франциянинг денгиз нариёғидаги департаментлари компартияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда Франция Компартияси Бош секретари Ж. Марше, Гваделупа Компартиясининг Бош секретари Ги Данент, Мартиника Компартиясининг Бош секретари А. Николя ва Реюньон Компартиясининг Бош секретари П. Вержес иштирок этдилар.

«Юманите» газетасининг хабар беришича, қардошлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида Франция, Гваделупа, Мартиника ва Реюньонда аҳволининг турли жиҳатлари юзасидан, шу жумладан меҳнаткаш аҳолининг ўз ҳуқуқлари ва партиялар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши натижалари юзасидан чуқур фикрлашиб олинди.

● НЬЮ-ЙОРК. «Чили билан бирдамлик қилувчи касаба союз аъзолари ташкилоти» Пиночет режими Чили меҳнаткашларига қарши бошлаган репрессияларни қоралаб чиқди. АҚШдаги бир қанча йирик касаба союз бирлашмаларининг намояндалари шу ташкилотга киради. Ташкилотнинг шу йил эълон қилинган баёнотида Чилидаги сиёсий маҳбусларни озод қилиш ҳамда шу мамлакат халқининг сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларини тиклаш ҳақидаги талаб баён этилган. Жумладан, яқинда, дейилади ҳужжатда, Чили касаба союз активлари меҳнаткашларнинг Биринчи май намойишида қатнашганликлари учун улардан 500 дан кўпроқ кишининг турмага ташланганлиги таъкидлаб ўтилади. Уларнинг кўплари Пиночет охранкаси қамоқхоналарида қийноққа солинди. Ташкилот Америка касаба союзларини, АҚШ жамоатчилигини Чили ватанпарварлари билан бирдамлик изҳор этишга даъват этди.

● ОТТАВА. Энг йирик «Абитиби Прайс» целлюлоза-қоғоз компаниясига қарашли 12 корхона ишчилари забастовка эълон қилдилар. Бу компания Канадада чиқадиган барча газеталар қоғозининг 20 процентини ишлаб чиқармоқда.

Қоғоз саноати ишчилари бирлашган касаба союзининг намояндаси Г. Лоррейн ишчилар иш ҳақининг оширилишини ва ишдан бўшатишнинг тўхтатилишини талаб қилмоқдалар, деди.

(ТАСС).

БИЗНИНГ АХБОРОТ

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Дилрабо қўшиқ, жозибадор рақс ҳар бир кишига олам-олам завқ бағишлайди, кайфиятини кўтаради, ҳордиғини чиқаради. Оҳангарон шаҳри ва райони меҳнаткашлари бадиий ҳаваскорларининг беминнат хизматидан тез-тез баҳраманд бўлиб туришади.

Шаҳар маданият уйи ҳузуридаги ҳаваскорлик коллективи яқинда Оҳангарон районидаги Будённий номли совхозда катта концерт қўйиб берди. Улар шаҳардаги санитария-техника жиҳозлари заводи меҳнаткашларини ҳам хушнуд этишди.

Маданият уйида ўқувчиларнинг ёзги каникули муносабати билан болалар ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди. Бу ансамбль ҳозирнинг ўзидаёқ икки комсомол тўйида, меҳнат шонли шуҳрати кечасида хизмат қилди.

Шунингдек, маданият уйи ҳузуридаги саккиз кишидан иборат агитбригада корхона ва хўжаликларда бўлиб, турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ташкил этмоқда.

Маданият уйида жами 12 тўгарак ишлаб турипти.

М. ЗАРИПОВ.

ЯХШИ АНЪАНА

ЗАНГИОТА область атеизм уйида меҳнаткашларни айниқса, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда ибратли ишлар амалга оширмоқда. Бу ерда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар хотираси учун ёдгорлик ўрнатилган. Ёдгорлик олдида октябрятларни пионер сафига қабул қилиш, «Бахт уйи»дан никоҳ гувоҳномасини олган ёш келин-куёвларга омад тилаш яхши анъанага айланиб қолган. Ёш келин-куёвлар Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларини ёдга олиб, бугунги гулгун ҳаётлари учун ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўядилар.

Янгича анъаналарни тарғиб қилишда атеизм уйи ходимларининг хизматлари катта бўлаётир.

М. БОТИРОВ.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Тошкентдаги М. Горький номли рус драма театри биносида Иркутск шаҳридаги музикали комедия театрининг гастроллари бошланди. Бу гастроллар театр мухлисларида, санъаткорларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мухбиримиз театр директорининг ўринбосари В. Н. ГАЛИН билан учрашиб, республикамиз театр санъати шинавандалари эътиборига ҳавола этиладиган асарлар ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Ўзбекистон пойтахтида бошланган гастролларимиз машҳур театр биносида ўтиши биз учун қувончлидир,— деб сўз бошлади Валерий Николаевич.— Талабчан тошкентлик томошабинлар ҳузурида спектакллар намойиш этиш жуда шарафли. Республикамизда ўттиздан ортиқ театрнинг самарали ишлаб турганлиги масъулиятимизни янада оширади. Шу сабабдан ҳам шаҳрингизга олиб келган спектакларимизни қайтадан кўриб чиқдик.

Тошкентда театримиз коллективи илгари ҳам бўлган эди. Серқуёш ўлка пойтахти ўшанда — 1972 йилда ҳам бизни ҳозиргидек меҳмондўстлик билан кутиб олганди. Шаҳрингизнинг гўзал хиёбонлари, ажойиб сайрғоҳларини кўриб завқланган, жуда катта илҳом билан томошалар намойиш этган ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган эдик. Биринчи гастролимиз муваффақиятли бўлиб, спектакларимиз ҳақида театр танқидчилари, мутахассислар яхши фикрлар билдиришган.

Мана, орадан саккиз йил ўтгач, яна серқуёш ўлкангиз пойтахтига келдик. Бугун ҳам мамнуният билан айта оламизки, меҳмондўст тошкентликлар бизни қувонч билан кутиб олишди. Ўтган саккиз йил мобайнида республикангиз пойтахти беқиёс даражада ўзгарибди. Кўплаб осмонўпар бинолар, ажойиб кварталлар, кўркам хиёбонлар бунёд этилибди. Айниқса, йўловчиларнинг манзилини яқин қиладиган Тошкент метрополитени киши диққатини ўзига тортади. Метронинг станцияларидаги беқиёс безаклар, халқлар дўстлигини ифодаловчи паннолар барчага манзур бўлади.

Тошкентлик ва иркутсклик театр санъати ходимлари бир-бирларини кўпдан бери яхши билишади. Таниқли актёр ва актрисаларимизнинг аксарияти тошкентлик ҳамкасблари билан мунтазам алоқа қилиб туришади. Театрларимиз ўртасида ҳам мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатилган. Жумладан, Тошкентдаги М. Горький номли рус драма театри коллективи билан, Тошкент оперетта театри билан ижодий алоқаларимиз яхши.

Биз Ўзбекистон театр санъати, уларнинг ажойиб намояндалари довруғи ҳақида кўп эшитганмиз. Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов каби устоз санъаткорларнинг ижрочилик маҳоратларини кинофильмлар орқали яхши биламиз. Айниқса, ўтган йили Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри коллективининг катта муваффақиятга эришганлиги бизни қувонтирди. Бу театр коллективига Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот берилганлиги бутун Ўзбекистон театр санъатининг катта ижодий ютуғидир.

Театримиз бу йил ўзининг 40 йиллигини нишонлайди. 1940 йилда иш бошлаган коллективимиз Москвадаги М. Горький номли оперетта театри асосида ташкил этилган эди. РСФСР халқ артистлари Н. Гроэс, Н. Загурский, Н. Каширский, Н. Логуновалар театримизнинг асосчиларидир. Биз мамнуният билан шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги санъаткорлар авлоди уларнинг номини чуқур ҳурмат билан тилга олиб ва уларга муносиб бўлишга интилаяпти.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентда бошланган гастролимиз икки шаҳар театрларининг қардошлиги намойишига айланади. Гастролимиз вақтида кўпгина асарларни намойиш этамиз. Репертуаримиздаги энг яхши асарлардан 13 тасини бу ерга олиб келганмиз. Бу спектакларнинг кўпи бир неча йиллардан буён репертуардан тушмай келаётган драма ва комедиялардир. Биз Ватанимиз пойтахти Москвада, Киев, Одесса, Новосибирск ва Узоқ Шарқда бу асарларни намойиш этганмиз.

Тошкент гастроли пайтида кўрсатиладиган спектакларимиз ранг-баранг мавзуларга бағишланган. Уларда Ватанга, халққа муҳаббат, дўстлик, садоқат, севги, инсоний етукликка интилиш туйғулари тараннум этилади. Бир қатор асарларимизда эса она-Ватанимиз учун оғир бўлган йилларда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган фидойи кишилар тўғрисида, уларнинг ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қоладиган қаҳрамонликлари ҳикоя қилинади.

Биз гастроль вақтида классик асарларни ҳам намойиш этамиз. Француз драматурги Жак Оффенбахнинг «Гўзал Елена», Штраусниг «Лўлилар барони», «Учувчан қўршапалак», И. Кальманнинг «Сильва» асарлари шулар жумласидандир. Бу спектакллар томошабинларга манзур бўлади, деган умидламиз. Иркутсклик ёш композитор А. Кулешовнинг «Сибирь ёғдулари», «Сариқ иблис», Е. Птичкининг «Хотинлар қўзғолони» асарлари ҳам репертуаримиздан ўрин олган.

Театримизнинг аҳил коллективи серқуёш ўлка пойтахтидаги гастролларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун ўзларининг бутун маҳоратларини сарфлайдилар. РСФСР халқ артистлари Виктор Жибинов, Макс Шнейдерман, Николай Хоходков, Наталья Данилина, Елена Волошина сингари етакчи санъаткорлар, Людмила Любименко, Валентина Ермошкина, Николай Прошин сингари ёш актёрлар, балет солистлари Ирина Макеева, Татьяна Тобиашлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Гастролларимиз муваффақиятли ўтса, Ўзбекистондаги учрашувлар янгидан-янги мавзулар ҳадя этса, тошкентлик ҳамкасбларимиз билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланса, ўзимизни бахтиёр ҳис этардик.

ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН
факт ва рақамлар

МЕЛЬБУРН, 1956 ЙИЛ

XVI Олимпиада ўйинлари 1956 йил 22 ноябрь куни Австралиянинг йирик шаҳарларидан бири Мельбурнда тантанали равишда очилди. Лекин, Олимпиада программасига кирган ҳамма мусобақалар ҳам бу ерда ўтказилган эмас. Жумладан, чавандозлар баҳси шу йил 11—17 июнь кунлари Стокгольмда бўлиб ўтган Бунинг сабаби шундаки, Австралияда жорий этилган қадимий қонунларда чегарадан ўтиб келадиган ҳайвонлар фақат олти ойлик карантиндан сўнг мамлакат ичкарисига кўйилиши талаб қилинган. Шундай қилиб, қонун бузилмади. Суворийлар бошқа мамлакат томон йўл олишди.

Мельбурнда ўтказилган Олимпиада ўйинларида 67 мамлакатдан 3184 спортчи иштирок этган. Бу сафар ҳам совет спортчилари ўз маҳоратлари билан барчани қойил қолдиришди. Вакилларимиз 37 та олтин, 29 та кумуш, 32 та бронза медалини қўлга киритдилар. Норасмий команда ҳисобида СССР терма командаси 622,5 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Гимнастика, футбол, замонавий бешкураш, бокс, классик кураш, байдарка ва каноэда-эшкак эшиш ва мерганликбаҳсларида СССР вакиллари биринчи бўлдилар. Академик эшкак эшиш, баскетбол, эркин кураш, енгил ва оғир атлетика мусобақаларида эса вакилларимиз иккинчи ўринга кўтарилдилар.

Ажойиб совет спортчиси Владимир Куц намойиш этган маҳорат спортимиз тарихида ўчмас саҳифа бўлиб қолди. У 5 ва 10 километрлик масофага ўтказилган югуриш баҳсларида 2 та олтин медаль олди, икки марта олимпиада рекордини ўрнатди.

Совет футболчиларининг ажойиб ғалабаси ҳали кўпчилик ишқибозлар ёдидан кўтарилмаган. Олимпиада ёпилиши кунида футболчиларимиз финал матчда Югославия терма командасини мағлуб этиб, олтин медалли бўлишди. Олтин медалгача бўлган йўл қийин эди. Ярим финал баҳсида Болгария терма командасига қарши майдонга чиққан спортчиларимиз унутилмас ўйин кўрсатдилар. Айниқса, ҳимоячи Николай Тишченконинг жасорати диққатга сазовордир. Рақиб ҳужумчиси билан тўқнашганда унинг елка суяги синиб кетди. Воғачлар кўрсатган дастлабки ёрдамдан сўнг у яна майдонга тушди. Чунки, бошқа илож йўқ. Қўшимча вақт давом этмоқда. Болгар футболчилари 1:0 ҳисобида олдинда боришяпти. Ўйинчи алмаштириш эса мумкин эмас. Футболчи бутун маҳоратини ишга солди. У 2:1 ҳисобидаги ғалабага озмунча ҳисса қўшмади.

Финалгача бўлган барча матчларда қатнашган бу ҳимоячи сўнгги ўйинда иштирок эта олмади. Мусобақа низомига кўра финалда иштирок этган ўн бир спортчигагина мукофот берилган. Шунинг учун Н. Тишченко олимпиада олтин медалини ололмай қолди. Аммо унинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз юқоря баҳолади. Футболчи кўкисини «Ҳурмат белгиси» ордени безади.

Республика Автомобиль транспорти министрлиги ҳузуридаги автомактабда такси ва автобус шофёрлари тайёрланади. Айни кунларда шаҳар транспортида мактабнинг 2 мингга яқин собиқ талабаси меҳнат қиляпти. Суратда: ёшлар устози Константин Вельш бўлажак автобус шофёрларига навбатдаги рейс олдидан кўрсатмалар бераётир.
А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ. Мамлакат чемпионати иккинчи лига олтинчи зонаси қатнашчиларн иккинчи давра ўйинларини бошлаб юборишди. Ўтган куни бўлиб ўтган биринчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Амударё» — «Хива» — 2:1, «Шаҳрихончи» — «Автомобилист» — 2:1, «Хўжанд» — «Нефтяник» — 1:1, «Пахтачи» — «Ёшлик» — 1:0, «Наримоновчи» — «Ҳисор» — 1:0, «Бухоро» — «Қаршистрой» — 0:2, «Пахтакор» — «Соҳибкор» — 2:3, «Зарафшон» — «Янгиер» — 0:0.

19 турдан сўнг 30 очко тўплаган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси зонада пешқадамлик қилмоқда.

СУВ ПОЛОСИ. Москва олимпиадаси байроғи кўтарилишига бугун 15 кун қолди. Барча спортчилар қаторидаги олимпиадачиларимиз ҳам ўз ҳаётларида унутилмас воқеа бўлиб қоладиган бу йирик анжуманга сўнгги тараддуд кўришмоқда.

Москвадаги Ленин номли Марказий стадионда ватерполчиларнинг халқаро турнири старт олди. Бунда СССРнинг икки терма командаси, Куба ва Руминия ватерполчилари иштирок этишмоқда.

Биринчи кун СССРнинг биринчи ва иккинчи терма командалари учрашдилар. Биринчи терма команда 9:6 ҳисобида устун келди. Олимпиада терма командасига асосий номзод бўлган ўйинчилардан ташкил топган биринчи команда сафида тошкентлик Эркин Шагаев ҳам иштирок этди.

Куба ватерполчилари Руминия командасини 10:4 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ГОСКОМТРУД УЗССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:
слесарь-сантехниклар, йигувчи-слесарлар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, токарлар, штамповкачилар, бўёқчилар, электр пайвандчилар, газда кесувчилар, электриклар, мастерлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
«ВИСОТСТРОЙ» трестининг
11-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА:
электр пайвандчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар. Ёлғизларга ётоқхона берилади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
1-ТОШКЕНТ УИСОЛИК КОМБИНАТИГА:
бетончилар, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, ойнасозлар, темир-бетон конструкциялари монтажчилари, электр-газ пайвандчилар, темир-бетон буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инженерлар ва техниклар, цех механиклари. Ёлғизларга ётоқхона берилади.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА:
шофёр (иш дала ишларига чиқиш билан боғлиқ).

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи-контролер-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди: баққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ ва сут маҳсулотлари бўйича, шунингдек, газлама, пойабзал, трикотаж, атторлик, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларини тайёрлайди.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ—1 ЙИЛ.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган, 15—23 ёшли (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача), 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Билим юртини тугатганлар «Кичик сотувчи», «Сотувчи», «Сотувчи-контролёр-кассир» бўладилар.
Ўқувчиларга 32 ва 41 сўмдан стипендия берилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: ГУМ, «Гастроном» республика контораснга қарашли йирик магазинларда ва «Универсам»ларда ўтказилади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталиндаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари Совети ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.
Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон: 78-44-30, (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпонота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари).

ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ 15-КАЛИНИН ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизларни қуйидаги касблар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тўқувчи, йигирувчи, уровчи, айлантирувчи, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирувчи контролёр, мастер ёрдамчиси.
ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ВА УЧ ЙИЛ.
10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга 70 сўмдан стипендия берилади, 8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар эса тўла давлат таъминотида бўладилар.
Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳаки берилади.
Ўқувчилар пенсия ва нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.
Билим юртини битирганлар малака бўйича диплом, ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва Калинин шаҳридаги тўқимачилик корхоналарида иш билан таъминланадилар. Ётоқхона берилади.
Адрес: 170001, Калинин шаҳри, Спартак кўчаси, 39-уй.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Кичик фожиалар. Бадиий фильм. 3-серия. 11.15 — Сизга манзур шеърлар. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.15 — Концерт. 15.05 — Янгиликлар. 15.25 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 —Бронза қуш. Бадиий фильм. 2-серия. 17.25 — Москва ва москваликлар. 17.55 — Фильм-концерт. 18.25 — Эстонияда Совет ҳокимияти тикланганлигининг 40 йиллигига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 22.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев). 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 —Мультфильм. 11.50—Кичик сеҳргарлар. 12.30 — Химия. 13.00 — Ёшлик. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кубань» (Краснодар). Танаффус пайтида ахборот. 21.20 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Оламда нима гап? 22.30 — Деурия. Бадиий фильм. 2-серия.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325759. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325545; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1640.